

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия  
вазирлиги

2024 йил “26” август  
06/33/11

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги

2024 йил “26” август  
13

Ўзбекистон Республикаси  
Мактабгача ва мактаб  
таълими вазирлиги

2024 йил “26” август  
05-30-26/43

Қорақалпоғистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш  
бошқармалари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси  
Мактабгача ва мактаб таълими вазири,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача  
ва мактаб таълими бошқармалари  
бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазири, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия  
бошқармалари бошлиқларига

Ўзбекистон Республикасининг “Педагог мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан педагог ходимларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида **бепул тиббий кўриқдан ўтиш** (давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари учун) хукуки берилган бўлиб, ушбу Қонунининг 7-моддасида педагог ходимларнинг мажбуриятларидан бири мажбурий тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиши шарт этиб белгиланган.

Шу билан бирга, Адлия вазирлигига 2012 йил 29 августда 2387-сон билан рўйхатга олинган Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан тасдиқланган “Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосан умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан шуғулланувчи педагоглар ва бошқа ходимлар тиббий кўриқдан йилда камида бир марта ўтказилади.

Бу борада Давлат бюджети ҳисобидан мажбурий тиббик кўриқдан ўтиш харажатларига жорий йилда **71,4 млрд. сўм** ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар тиббиёт муассасаларининг тегишли харажатлар сметаларига режалаштирилган.

Ҳозирга кунда жойларда янги ўқув йилига тайёргарлик кўрилаётганлиги муносабати билан, бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан шуғулланувчи педагоглар ва бошқа ходимларни тиббиёт муассасаларида навбатдаги **бепул** мажбурий тиббий кўриқдан ўтказишида тиббиёт муассасалари томонидан турли миқдордаги тўловлар талаб қилиниб ходимлардан ундирилаётган ҳолатлари учрамоқда.

Мазкур ҳолатларга аниқлик киритиш ҳамда умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан шуғулланувчи педагоглар ва бошқа ходимлари учун бепул тиббий кўрикни ташкил этиш ва уларни ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш мақсадида, **Сизлардан:**

1. Мактабгача ва мактаб таълими бўлинмалари тиббий кўрикдан ўтказилиши шарт бўлган ходимларнинг рўйхатини ҳамда ўтиш режасини тузиш (тегишли маълумотлари билан бирга ҳар бир мактаб ва мактабгача таълим муассасалари кесимида) ва тиббий кўрикни ўтказувчи ҳудудий Кўп тармоқли марказий поликлиникага, ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказларига ҳамда ҳудудий Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимларига тақдим этиш.

2. Тиббий кўрикни ўтказувчи Кўп тармоқли марказий поликлиника, ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказларига ҳамда ҳудудий Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари ходимларни белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш ва бепул ўтказилишини таъминлаш.

3. Иқтисодиёт ва молия органлари 2024 йилда ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар учун ажратилган маблағларни таҳлил қилиш ва ажратилган маблағлар доирасида қайта тақсимлаш чораларини кўриш.

4. Тиббий кўрик якунлари бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан умумластирилган (тасдиқланган) маълумотларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилишини таъминлашингиз ва назоратга олишингиз сўралади.

Мактабгача ва мактаб  
таълими вазири  
уринбосари

Т. Комилов

Соғлиқни сақлаш  
вазири ўринбосари

Ф. Ташибулатов

Иқтисодиёт ва молия  
вазири ўринбосари

О. Фазилкаримов

